



БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Эшанова М.Ю.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби “Инглиз тили ва
таълим технологияси” кафедраси доценти*

Таянч сўзлар: компетенция, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, касбий компетенция, рақамли иқтисодиёт, халқаро стандарт, меҳнат бозори, кўникма, малака, индивидуал ва дифференциал ёндашув, касбий фаолият ва касбий тафаккур.

Ключевые слова: компетентность, социально-экономическое развитие, профессиональная компетентность, цифровая экономика, международный стандарт, рынок труда, навыки, квалификация, индивидуальный и дифференцированный подход, профессиональная деятельность и профессиональное мышление.

Key words: competency, socio-economic development, professional competence, digital economy, international standard, labor market, skills, qualifications, individual and differentiated approach, professional activity and professional thinking.

Замонавий меҳнат бозори ва ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг пайдо бўлиши, фан-техника тараққиёти билан боғлиқ ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг амалиётда жорий этилиши юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида қурилишда ВІМ технологиялари, қишлоқ хўжалиги соҳасида гидропоника, ҳосилдорлик ва унумдорлик, тежамкорликни таъминловчи юзлаб интенсив технологиялар, яшил технологиялар ишлаб чиқариш соҳасида жуда кенг спектрдаги “Hi-tech” технологиялар жорий этилди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида ишлаб чиқариш жараёнларида мустақил иштирок этишга тайёр, ҳаётий ва касбий вазифаларини амалий ҳал қила оладиган мутахассисларга бўлган меҳнат бозоридаги эҳтиёж талаблардан нафақат олинган билим, кўникма ва малака балки улар учун ҳозирда “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларини реал шароитларда иш берувчилар томонидан қуйиладиган талабларга кўпроқ мос келади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистоннинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги ПҚ-4563-сон Қарорига асосан 850,5 трлн.сўм инвестициялар, шу жумладан 35,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сон қароридан белгиланган вазифалар олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак иқтисодчиларнинг касбий компетенцияларини меҳнат бозори талаблари асосида шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди. Ўз навбатида ана шу иқтисодий юксалиш-иқтисодиётнинг либераллаштирилиши ва диверсификация қилиниши, глобаллашув, рақамлаштириш, саноатлашув жараёнларининг шиддати ҳар бир соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилди. Шу нуқтаи назардан, бўлажак иқтисодчиларнинг касбий компетенцияларини меҳнат бозори талаблари асосида шакллантиришда қуйидагиларга таянамиз: *Дидактик шарт-шароитлар:*

- Ишлаб чиқаришдаги янги фаолият турларини талабанинг шахсий тажрибаси билан мувофиқлаштириш;
- Бўлажак иқтисодчи талабаларга таълим жараёнида фанлараро алоқаларни меҳнат бозори талаблари нуқтаи назаридан амалга ошириш;
- Бўлажак иқтисодчи талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш даражаси устидан доимий назоратни амалга ошириш, уларнинг фаолияти натижаларини ҳисобга олиш, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашни амалга ошириш;
- Бўлажак иқтисодчиларда юқори сифат ва маҳсулдорликни таъминлайдиган оптимал технологияни туғри танлашни назарда тутадиган касбий фаолиятдаги мустақилликка эришиш;
- Бўлажак иқтисодчиларда ўзлаштирилган кўникма ва малакаларни ишлаб чиқариш ҳолатига тўғри ташхис қуйиш асосида тегишли қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш;
- Бўлажак иқтисодчиларда ишлаб чиқаришда юқори самарали меҳнат усулларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг энг тежамли усулларини ўзлаштиришини таъминлаш.

Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар:



- Компетенцияга асосланган ёндашув асосида янги таълим технологияларини яратиш, мослаштириш ва жорий этиш режасини ишлаб чиқиш;
- Таълим фаолиятини бошқариш, ташкил этиш, назорат қилиш воситаларини амалиётда қўллаш;
- Асосий таълим дастурларини муваффақиятли амалга ошириш учун шарт-шароитларни, шу жумладан кадрлар, молиявий, моддий-техник ва бошқа шарт-шароитларни таъминлаш;
- Мутахассислик ўқув режасидаги фанлар бўйича ўқув ва амалий ишларни ташкил этиш ҳамда талабалар билан ишлашда индивидуал ва дифференциал ёндашувни амалга ошириш;
- Талабалар томонидан ўқув ва лойиҳа топшириқларини бажариш ва мустақил ишларга сарфланадиган вақтнинг илмий асосланган меъёрларини аниқлаштириш;
- Талабаларнинг келажакдаги касбий фаолияти мазмунига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда амалий машғулотларда компетенциявий ёндашувга асосланган таълим модулларини ишлаб чиқиш;
- Талабаларнинг мунтазам мустақил ишини ташкил этиш, мутахассислик фани ўқитувчиси томонидан унга бўлган ахборот ва назорат таъсирини камайтиришга ва амалий машғулотларда ўқув фаолиятини бошқаришни қисман талабанинг ўзига ўтказиш амалиётини жорий этиш;

Психологик-педагогикшарт- шароитлар

- Таълим жараёнида маълумотларини бир вақтнинг ўзида бир нечта ўқитиш усуллари орқали (оғзаки, визуал ва эшитиш орқали) унинг ўқув материални интенсив ўзлаштиришига эришиш;
- Талабаларнинг ўқув жараёнида ва ишлаб чиқариш фаолиятида назарий ва амалий фаолиятининг оптимал комбинатциясини рағбатлантириш;
- Талабанинг ўз таълим ва ишлаб чиқаришдаги амалий фаолияти натижасини унинг ютуқларини муваффақияти солиштириш орқали гуруҳидаги мақомини аниқлаш;
- Талабани ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятда қутилмаган ҳолатларда юзага келадиган ва унда мавжуд бўлган маълумотлар асосида шаклланиш даражасини ўз-ўзини таҳлил қилишни амалга ошириш;
- Талабада илгари шаклланган билим ва кўникмаларни янги ўрганиш объектларига ўтказиш учун унинг ақлий фаолияти ва касбий тафаккурини мақсадли шакллантириш.



Назарий ва амалиётга йўналтирилган усуллар:

- Билимларни узатиш усули - назарий билимларни уларни куллаш кўламини кенгайтириш асосида умумлаштириш, назарий билимларни амалий - касбий фаолият соҳасига ўтказиш;
- Дизайн усули – амалий фаолият жараёнидаги аниқ касбий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган “ҳақиқий лойиҳалар” ни яратиш;
- Шахсий ва касбий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштирилган билимларни касбий компетенция даражасида ўзгартириш;
- Ишлаб чиқаришдаги ва меҳнат бозоридаги талаблар асосида ижтимоий шериклик технологиясини жорий этиш;
- Халқаро таълим стандартларига мувофиқ таълим жараёнинг 50-60 фоизини амалиётга йўналтирилган мустақил ва амалий ишларга ўтказиш;
- Ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш ва касбий компетенцияга эга бўлган мутахассислардан тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли “Ўзбекистоннинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори.
3. А.В.Хуторской., Образовательные компетенции и методология дидактики.2016 г.
4. Коулз М., Олейникова О.Н., Муравьева А.А. Национальная система квалификаций. Обеспечение спроса и предложения квалификаций на рынке труда. – М.: РИО ТК им. А.Н. Коняева, 2009.
5. Белицкая Г.Э., Социальная компетентность личности. – М.: ИП РАН, 2009. – 245 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак иқтисодчиларда таълимнинг халқаро стандартлари асосида халқаро ва меҳнат бозори талабларига мос кўникма, малака ва касбий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик асослари ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются педагогические основы формирования умений, квалификации и профессиональных компетенций в соответствии с международными стандартами образования у будущих экономистов, обучающихся в системе высшего образования.

SUMMARY

This article discusses the pedagogical foundations for the formation of skills, qualifications and professional competencies in accordance with international education standards for future economists studying in the higher education system.